

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВА ДИЛБАР ХОЛТЕМИРОВНА

БАДИИЙ МАТНДА ЛИСОНИЙ ШАХС ТИПЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ниязова Дилбар Холтемировна
Бадиий матнда лисоний шахс типлари5

Niyazova Dilbar Holtemirovna
Types of language units in fiction.....21

Ниязова Дилбар Холтемировна
Типы языковых единиц в художественном тексте.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works44

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВА ДИЛБАР ХОЛТЕМИРОВА

БАДИИЙ МАТНДА ЛИСОНИЙ ШАХС ТИПЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil 1033 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида karshi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Азамат Бахронович
филология фанлари доктори

Давлатова Раъно Ҳайдаровна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи илмий муассаса:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг «31» октябрь 2020 й. соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети, Бош бино 1-қават, Фаоллар зали (105-хона).

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (30 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «22» октябрь да тарқатилди.
(2020 йил 22 октябрь даги 29 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Н.Н.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

[Signature]
Г.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

[Signature]
Х.Жабборов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб инсонга хос шахсий сифатларнинг тилда акс этиши масаласига эътибор янада кучайди. XX аср охири ва XXI аср бошларида тилнинг нутқий воқеланиши муаммосида инсон омилининг бирламчи эканлиги ҳақидаги қарашлар илгари сурилди. Айниқса, инсон нутқий фаолиятининг маҳсули бўлмиш матнни уни яратган шахс сифатларидан холи тарзда текшириб бўлмаслиги илмий асосланди. Бу йўналишдаги ишларда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи, нутқда лисоний қобилиятларини намоён этувчи шахс лисоний шахс сифатида баҳоланиб, унинг нутқи ҳақида турли назарий қарашлар юзага кела бошланди. Тилни ундан фойдаланувчи инсоннинг шахсий сифатлари – касб-кори, ёши, жинси, руҳияти, ижтимоий мақоми кабилар билан боғлиқ ҳолда текшириш замонавий тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Жаҳон лингвистика фанида сўнгги йилларда нутқда лисоний қобилиятлари ва шахсий сифатларини намоён қилувчи лисоний шахс муаммосининг ўртага қўйилиши янги илмий парадигма – лингвоперсонологиянинг шаклланишига йўл очди. Турли тилларда яратилган нутқ кўринишлари асосида лисоний шахс типларини белгилаш, нутқда унинг эгасига хос шахсий сифатларнинг намоён бўлиши масаласини ўрганиш лингвоперсонологиянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда муайян тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса-да, амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, дунё тилшунослигидаги бадиий асарларда ёзувчи ва у яратган персонажлар нутқи асосида лисоний шахс типларини белгилаш амалий ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади. Бу масалаларнинг тадқиқи тилда инсон омили ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда илм-фан, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, айниқса, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини оширишга қаратилган сўнгги фармон ва қарорлар тилшунослар зиммасига масъулиятли вазифаларни юкламоқда. “Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди”¹. Мазкур чақириқлар бошқа фан соҳалари қаторида тилшунослик соҳасида ҳам тилни илмий ўрганишда замонавий тадқиқ йўналишлари устида изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу жиҳатдан диссертация мавзусининг тилни инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга бағишланганлиги унинг бугунги кун талабларига мослиги ва долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида бу муаммо монографик планда махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, айрим ишларда кун тартибига қўйилди ва *лисоний шахс* тушунчасига тавсиф берилди. Жумладан, Ш.Сафаров, Д.Лутфуллаева, Д. Худойберганодаларнинг бу масала бўйича эълон қилган мақолаларида лисоний шахс ва унинг типлари масаласига муносабат билдирилади².

Тилшуносликда лисоний шахс ҳақидаги лингвистик таълимотнинг назарий асослари МДХ тилшунослари В.В.Виноградов, Н.Д.Голев Г.О.Винокур, Е.В. Иванцовалар томонидан ишлаб чиқилган бўлса, лисоний шахс тилшуносликнинг илмий муаммоси сифатида Г.И.Богин, Ю.Н.Караулов, Ю.С.Степанов, И.П.Сусов, А.М.Шахнарович³ Л.П.Клобукова, В.Д.Лютикова, В.П.Нерознак ва бошқалар⁴ томонидан ўртага ташланди ҳамда моҳияти, ўрганилиш соҳаси кабиларга аниқлик киритилди.

Хориж олимларидан В. Гумбольдт, Л. Вайсгербер, Бодуэн де Куртенэ, А.А.Потебнялар лисоний шахс типлари муаммоси бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Юқорида қайд этилган олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқот ишлари ва нашрларида билдирилган фикрлар ушбу диссертация

² Сафаров Ш. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти // Хорижий филология. 2018. №3. – Б. 9-21; Лутфуллаева Д., Худойберганодалар Д. Тилшуносликда лисоний шахс муаммоси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2017. №6. – Б.36-37.

³ Богин Г.И. Модель языковой личности в ее отношении к разновидностям текстов: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Л., 1984; Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семантические проблемы лингвистики, филологии, искусства. – М.: Наука, 1985. – С. 335; Караулов Ю. Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – 264 с.; Сусов И.П. Личность как субъект языкового общения // Личностные аспекты языкового общения. – Калинин: Калининский университет, 1989. – С. 9-16; Караулов Ю. Н. Русская языковая личность и задачи ее изучения // Язык и личность. – М.: Наука, 1989. – С. 3-8; Шахнарович А.М. К проблеме языковой способности (механизма) // Человеческой фактор в языке: язык и порождение речи. – М.: Наука, 1991. – С. 185-220.

⁴ Клобукова Л.П. Феномен языковой личности в свете лингводидактики // Международная юбилейная конференция, посвященная 100-летию со дня рождения академика В.В.Виноградова. – М., 1995. – С. 29-31; Нерознак В. П. Лингвистическая персонология: к определению статуса дисциплины // Язык. Поэтика. Сб. науч. тр. Моск. линг. университета. – М., МГЛУ, 1996. № 426. – С. 112 -116.

ишини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Бироқ, ўзбек тилшунослигида лисоний шахс типлари муаммоси илмий тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмагани жиҳатидан мазкур диссертация иши долзарбдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек тилининг структур ва социопрагматик тадқиқи” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий асар таҳлили асосида ўзбек тилида лисоний шахс типларини белгилаш ва нутқий хусусиятларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дунё тилшунослигида лисоний шахс муаммосининг ўрганилиши масаласини ёритиш;

лингвоперсонология йўналишининг шаклланиши ҳақидаги назарий қарашларни ёритиш;

лисоний шахс типлари масаласига оид назарий қарашларни таҳлил қилиш ва ўзбек тили материаллари асосида *лисоний шахс* тушунчасининг моҳиятини очиб бериш;

ўзбек тилида лисоний шахс типларини ажратиш принципларини ишлаб чиқиш;

ўзбек тилда лисоний шахс типларига ишора қилувчи махсус бирликларни аниқлаш ва уларга тавсиф бериш;

Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романида яратилган лисоний шахс типларини таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулом, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Сирожиддин Саййид, Улуғбек Ҳамдамларнинг асарларидан олинган матнлар (нутқ типлари) танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек бадиий адабиётида яратилган лисоний шахс типлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, контекстуал таҳлил методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадиий нутқ кўринишлари асосида ўзбек тилида лисоний шахс типларини ажратишнинг ҳиссийлик ва тизимлилик тамойиллари ишлаб чиқилган;

нутқида шахсига хос сифатларни намоён этишига кўра ҳамда яқка шахс ёки жамоа нутқини аниқлашига кўра лисоний шахс типлари ажратилган;

ўзбек тилида лисоний шахс типларига ишора қилувчи мақол, матал ва иборанинг нутқни шакллантиришдаги таъсирчан роли очиб берилган;

бадиий матнлардаги адибларнинг лисоний қобилияти, тил воситалари (ноадабий қатламга хос бирликлар, ҳиссий бўёқдор сўзлар, касбий

терминлар)дан персонажларни индивидуаллаштиришда фойдаланиш маҳорати ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бадий асарда ёзувчи ва персонажлар нутқи асосида белгиланган лисоний шахс типларига доир илмий хулосалар лингвоперсонология, матн тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, ушбу фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

олинган илмий хулосаларнинг бадий асар тили, ижодкор шахси, унинг тил воситаларидан фойдаланиш маҳорати каби масалаларни ўрганишда амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, бадий матнлар таҳлили асосида илмий-назарий хулосалар чиқарилганлиги, бадий матн таҳлиliga замонавий тадқиқ усулларининг татбиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосаларнинг ўзбек тилшунослигида бугунги кунда тилни инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганишга қаратилган тилшунослик йўналишлари – лингвоперсонология, лингвокультурология, прагмалингвистикани янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари бадий асарнинг лингвоперсонологик таҳлилини амалга оширишда амалий қўлланма вазифасини ўтайди, шу билан бирга, олий таълимнинг филология йўналишларида “Матн тилшунослиги” ўқув фани, “Бадий матннинг лингвистик таҳлили”, “Лингвопоэтика” каби танлов фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда илмий-амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадий матнда лисоний шахс типларини таҳлил қилиш, илмий-амалий аҳамиятини изоҳлаш асосида:

бадий матнлардаги адибларнинг лисоний қобилияти, тил воситалари (ноадабий қатламга хос бирликлар, ҳиссий бўёқдор сўзлар, касбий терминлар)дан персонажларни индивидуаллаштиришда фойдаланиш маҳоратига доир илмий хулосалардан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзРФАҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 13 январдаги 07/01-сон маълумотномаси). Натижада тилшуносликда лисоний шахс типларига ишора қилувчи ясалмалар мажмуаси мавжудлиги аниқланган ва фойдаланиш имкониятига эришилган;

ўзбек тилида лисоний шахс типларига ишора қилувчи мақол, матал ва иборанинг нутқни шакллантиришдаги таъсирчан ролига оид назарий хулосалардан ИЗ - 2018103134 рақамли “Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш” мавзусидаги давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги грантда фойдаланилди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3644-сон маълумотномаси).

Натижада тилшунослик бадий матнда лисоний шахс нуткида номларнинг кўлланилиши билан боғлиқ далилий материалларга эга бўлган.

бадий нутқ кўринишлари асосида ўзбек тилида лисоний шахс типларини ажратишнинг ҳиссийлик ва тизимлилик тамойилларига доир хулосасидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг кўрсатувларида адабий-бадий, маънавий-маърифий дастурларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 09 июндаги 410-сон маълумотномаси). Натижада “Тил миллат кўзгуси”, “Файзли кун” телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 9 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Тилшуносликда лисоний шахс муаммосининг ўрганилиши”** деб номланган биринчи бобида лингвоперсонологиянинг шаклланиши ва тилшуносликда лисоний шахс муаммосининг ўрганилиши масаласи ёритилган, шунингдек, *лисоний шахс* тушунчасининг моҳияти очиб берилиб, унга берилган таърифларга муносабат билдирилган.

Дунё тилшунослигида *нутқ тузувчи* ва *нутқни идрок этувчи шахс* тушунчаси талқинида янги назарий қарашларнинг юзага келиши бу муаммони ўрганувчи соҳа – лингвоперсонологиянинг шаклланишига туртки берди. *Нутқ тузувчи* ва *нутқни идрок этувчи шахс* лисоний шахс бўлиб,

лингвоперсонологиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Инсонга тилдан шунчаки фойдаланувчи шахс сифатида эмас, бу жараёнда тил орқали ўз шахсий сифатларини намоён этувчи, унга миллий-маданий, этник белгиларни сингдирувчи, тилни сақловчи ва келажак авлодларга узатувчи лисоний шахс сифатида қараш лингвоперсонологиянинг алоҳида парадигма сифатида ажралиб чиқишига замин яратди.

Тилшуносликда матн яратилиши, матнда тил эгаларининг шахс хусусиятларининг акс этиши муаммосини ўрганишга бўлган қизиқиш тилни лингвоперсонологик аспектда тадқиқ этиш заруратини юзага келтирган дейиш мумкин. Матнни лингвоперсонологик аспектда ўрганиш асосида тил эгаларининг тилдан фойдаланиши жараёнида унга таъсирини ва бу жараёнда иштирок этувчи ташқи омилларни аниқлаш имконияти туғилади.

Ўтган асрда дунё тилшунослигида лингвоперсонология муаммолари бўйича кўплаб изланишлар олиб борилди. Г.И.Богин нутқ жараёни субъекти ва нутқни яратувчи ҳамда қабул қилувчи лисоний шахс моделини яратди⁵. Н.В.Мельник персонологик лингвистика ва лингвистик персонологияни бир-биридан фарқлашга уринди⁶. В.П.Нерознак “Лингвистическая персонология: к определению статуса дисциплины” деб номланган мақоласида лингвистик персонологиянинг фан йўналиши сифатида шаклланиб бўлганлигини эътироф этди⁷. Англашиладики, лингвоперсонология XX аср охири ва XXI аср дунё тилшунослигининг янги йўналиши ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай мулоқот матнидан нутқ тузувчи ва уни қабул қилувчи шахс, бошқача айтганда, тилдан фойдаланувчи, унга ўз таъсирини ўтказувчи ҳамда нутқни қабул қилувчи шахсни ажратиш мумкин. Бундай шахс тилшуносликда *лисоний шахс* термини билан ифода этилади. Демак, лисоний шахс нутқ тузувчи ва идрок этувчи, тилдан фойдаланиш жараёнида унга ўз шахсий сифатлари билан таъсир кўрсатувчи, жамиятда шаклланган миллий-маданий қарашларни унга сингдирувчи шахсдир. Айни шу хислатларга эга тил эгасининг нутқи лингвоперсонологиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Лисоний шахс термини 1930 йилда В.В.Виноградов томонидан фанга киритилганлиги қайд этилади. Бу термин илк бор унинг “Бадий проза ҳақида” деб номланган асарида қўлланган. В.В. Виноградов ушбу китобида бадий асарда лисоний шахс, муаллиф образи ва бадий образнинг ўзаро муносабати масаласини ўртага ташлаган⁸. Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб лисоний шахс муаммоси Г.И.Богин, Ю.Н.Караулов, Ю.С.Степанов,

⁵ Богин Г.И. Модель языковой личности в ее отношении к разновидностям текстов: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Л., 1984.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Салахова А. Г. Лингвоперсонологический подход в исследовании профессиональной языковой личности // Филологические науки. Вопросы теории и практики. Ч. II. – Тамбов: Грамота, 2015. № 8 (50). – С. 159-162.

⁷ Нерознак В. П. Лингвистическая персонология: к определению статуса дисциплины // Сборник науч. трудов Моск. гос. лингв. ун-та. – М., 1996. Вып. № 426. Язык. Поэтика. Перевод. – С. 112-116.

⁸ Виноградов В.В. О языке художественной прозы / Избранные труды. – М.: Наука, 1980. – 362 с.

И.П.Сусов, А.М.Шахнаровичлар томонидан ўртага ташланди⁹ ва кейинчалик бошқа олимлар томонидан ривожлантирилди.

Лисоний шахс тушунчаси кўп қиррали ва мураккаб ҳодисаларни қамраб олади. Шу боис лисоний шахс муаммоси тадқиқига қаратилган ишларда бу масала турли аспектларда ўрганилмоқда. Хусусан, лисоний шахс муаммоси қуйидаги йўналишларда ўрганилмоқда: 1) лисоний шахс моделининг ишлаб чиқиши (Ю.Н. Караулов, Г.И. Богин, С.Г. Воркачев); 2) лисоний шахсга миллий тил ва маданият ташувчиси сифатида қараш (Н.В. Уфимцева, Н.Л. Чулкина, В.М. Богуславский); 3) лисоний шахснинг социолингвистик ва психологик типлари – болалар, зиёлилар, қишлоқ одамлари, бошловчи кабиларнинг лисоний шахс типларини ажратиш (А.В. Захарова, Л.П. Крысин, Г.Н. Беспамятова, Т.А. Ивушкина, М.В. Ляпон)¹⁰.

Англашиладики, *лисоний шахс* тушунчаси ўз атрофига шахс муаммоси билан боғлиқ жуда кўп соҳаларни тортади. Бу ҳолат лисоний шахс билан боғлиқ унга ёндош қатор масалаларни ҳам ўрганиш лозимлигини англатади. Жумладан, ўзбек тилшунослигида ўзбек тили имкониятларини намоёниш этувчи нутқ эгаларининг лисоний шахси, унинг типларини ажратиш, лисоний шахснинг ўзбек тили эгаларига хос миллий моделларини яратиш, миллий лисоний шахс портретини чизиш долзарб муаммолар ҳисобланади.

Тилшунослар лисоний шахсга маълум таърифларни келтириб ўтишади. Жумладан, Г.И.Богин лисоний шахсни тилни эгаллаган шахс сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, лисоний шахс тил орқали қандай фаолият юрита олиши асосида тавсифланади¹¹. Назаримизда, лисоний шахсни тилни эгаллаган шахс сифатида баҳолаш уни тор тушуниш билан боғлиқ. Бизнингча, *лисоний шахс* шунчаки тилни эгаллаган тил соҳиби эмас, у нутқи орқали эгаллаган тилининг имкониятларини намоёниш этиши баробарида, шахс сифатидаги ўз белгиларини ҳам кўрсата олувчи шахсдир. Лисоний шахс ҳатто тилни нутққа кўчирувчи шахсгина эмас, нутқни идрок этувчи, уни талаффуз қилувчи ҳамдир. Лисоний шахс мулоқот жараёнида иштирок этаётган, тил билими, нутқ яратиш ва уни идрок этиш кўникмаси, шунингдек, жамият аъзоларининг тил тажрибаси, нутқ яратиш механизми кабиларни намоёниш этувчи инсондир.

Диссертациянинг **“Ўзбек тилида лисоний шахс типологияси”** деб номланган иккинчи бобида нутқ эгалари яратган нутқ (матн) орқали лисоний шахс типларини ажратиш масаласи ёритилган.

⁹ Богин Г.И. Кўрсатилган тадқиқот; Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, филологии, искусства. – М.: Наука, 1985. – С. 335; Караулов Ю. Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – 264 с.; Сусов И.П. Личность как субъект языкового общения // Личностные аспекты языкового общения. – Калинин: Калининский университет, 1989. – С. 9-16; Шахнарович А.М. К проблеме языковой способности (механизма) // Человеческой фактор в языке: язык и порождение речи. – М.: Наука, 1991. – С. 185-220; ва бошқалар.

¹⁰ Дронсейка Р.П. Понятие языковая личность // <http://www.rusnauka.com/> 13NPT_2008/ Philologia/ 31792.doc.htm

¹¹ Богин Г.И. Современная лингводидактика. – Калинин: Калинин. гос. ун-т, 1980. – С.3.

Ўтган асрда нутқ эгаларини улар тузган нутқ (матн) асосида лисоний шахс типларига ажратиш масаласи ўртага ташланди¹². *Лисоний шахс тип*и деганда ўз нутқида (тузган матнида) шахс сифатидаги индивидуал хусусиятлари, мақсад ва қизиқишлари ҳамда тилнинг имкониятлари, халқ маданияти кабиларни намоён этувчи шахс типи тушунилади.

Маълумки, тилшуносликда лисоний шахс типларини ажратишда кўпинча машхур кишиларнинг нутқи таҳлил объекти сифатида танланган. Масалан, Британиянинг собиқ премьер-министри Т.Блэр, Жанубий Кореянинг собиқ Президенти Пак Кын Хе хоним, қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматов ва бошқаларнинг нутқи ўрганилиб, уларга нисбатан *лисоний шахс* термини қўлланганлиги кузатилади¹³.

Кейинги йилларда ўқитувчи, ўқувчи, раҳбар, сиёсатчиларнинг нутқи орқали лисоний шахс типлари ажратилиб, касб-кор, ёш, гендер жихатдан фарқланувчи лисоний шахс типлари қайд этилди¹⁴. Шунингдек, болалар ва катталар, эркак ва аёллар, турли диалект вакилларининг нутқи таҳлил объекти сифатида танланиб, тадқиқ этилган ишлар ҳам мавжуд.

А.Г.Фомин эркак ва аёлларнинг нутқини ўрганиб, уларнинг ҳар бирига хос лисоний шахс типларини ажратган¹⁵, З.Р.Хачмафова эса бадий матн мисолида аёл лисоний шахсини белгилади¹⁶. В.Д. Лютикова муайян диалект эгасининг нутқини текширган¹⁷, О.В.Лутовинова эса виртуал дискурс таҳлили орқали лисоний шахсининг бу типига тавсиф берган¹⁸ ва ҳоказо.

Тилшуносликда бадий матнда яратилган лисоний шахс типларини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, З.А.Кузневич, Т.Н. Ишкова, Н.Нормуродова, М.С.Романова, Л.Н.Чурилиналарнинг ишларида ҳам бадий асар персонажлари нутқи ўрганилиб, лисоний шахс типлари белгиланган¹⁹.

¹²Қаранг: Лингвоперсонология: типы языковых личностей и личностно-ориентированное обучение / под ред. Н. Д. Голева, Н. В. Сайковой, Э.П.Хомич. – Кемерово: Изд-во БГПУ, 2006. – 435 с.

¹³ Петрухина О.П. Аргументативные стратегии британского политика (на примере языковой личности премьер-министра Т. Блэра) // <https://rucont.ru/efd/176860>; Мункуева Г.Б. Речевой портрет Пак Кын Хе. – Иркутск: ФГБОУ ВПО «ИГЛУ», 2016. – 42 с.; Дербишева З.К. Языковая личность Ч. Айтматова: ментальные формулы // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Теория языка. Семиотика. Семантика. – 2014. – №3. – С. 37-47.

¹⁴ Лингвоперсонология: типы языковых личностей и личностноориентированное обучение / Под ред. Н.Д.Голева, Н.В.Сайковой, Э.П.Хомич. – Кемерово: Изд-во БГПУ, 2006.– 435 с.

¹⁵ Фомин А.Г. Психолингвистическая концепция гендерной языковой личности: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Барнаул, 2004. – 46 с.

¹⁶ Хачмафова З.Р. Женская языковая личность в художественном тексте (на материале русского и немецкого языков): Дисс. ... докт. филол. наук. – Майкоп, 2011. –398 с.

¹⁷ Лютикова В. Д. Языковая личность: идиолект и диалект: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Екатеринбург, 2000. – 41 с.

¹⁸ Лутовинова О. В. Языковая личность в виртуальном дискурсе: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Волгоград, 2013. – 42 с.

¹⁹ Кузневич З.А. Языковая личность в литературно-художественном дискурсе Эрнеста Хемингуэя: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Иркутск, 1999. –22 с.; Ишкова Т.Н. Концепт языковой личности в английском языке в сопоставлении с русским языком: На примере анализа вариантов переводов пьесы Б. Шоу «Пигмалион»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Омск, 2002. – 28 с.; Нормуродова Н. Выражение языковой личности в художественном диалоге (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 2012. – 26 с.; Романова М.С. А.А. Тарковский как языковая личность: способы репрезентации в поэтическом тексте: Дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2015. –171 с.; Чурилина Л.Н. «Языковая личность» в художественном тексте. – М.: Флинта, 2017. – 239 с.; ва бошқалар.

Лисоний шахс типлари инсоннинг яратган нутқи (тузган матни) асосида белгиланар экан, бундай нутқда унга хос сифатларнинг намоён бўлиши лисоний шахс типларини белгилашда муҳим ўрин тутди. Масалан, бошлиқ нутқи лисоний шахснинг ижтимоий мавқеига кўра типини ҳосил қилса, ўқитувчи ёки депутатнинг нутқи лисоний шахснинг касб-кори, машғулотига кўра типини ҳосил қилади. Ҳатто нутқ эгасининг характер-хусусияти, мулоқот жараёнида танлаган нутқий таъсир кўрсатиш усули кабилар асосида ҳам лисоний шахс типларини ажратиш мумкин. Диссертацияда лисоний шахс типларини белгилашда ўзбек тили эгалари томонидан яратилган кўплаб нутқ (матнлар) турларига таянилди ҳамда мавзунинг кенг қамровлиги ва автореферат ҳажмини инобатга олган ҳолда лисоний шахснинг қуйидаги типларини алоҳида ўрганилди: **I. Нутқда шахсига хос сифатларни намоён этишига кўра лисоний шахс типлари:** 1) нутқда ижтимоийлик белгисини намоён этувчи лисоний шахс типлари; 2) нутқда ёш хусусиятини намоён этувчи лисоний шахс типлари; 3) нутқда қайси жинсга мансублигини намоён этувчи лисоний шахс типлари; 4) нутқда миллати ва қайси тил вакили эканлигини намоён этувчи лисоний шахс типлари.

II. Якка шахс ёки жамоа нутқини англатишига кўра лисоний шахс типлари: 1) индивидуал лисоний шахс типи; 2) жамоани акс эттирувчи лисоний шахс типи. Қуйида ушбу тасниф асосида лисоний шахс типларига қисқача тавсиф бериб ўтамыз.

Тил эгаларининг ижтимоийлик жиҳатдан тавсифи кенг тушунча бўлиб, шахсларнинг ижтимоий мақоми, ижтимоий вазифаси ва ижтимоий позицияси кабиларни қамраб олади. Бу жиҳатдан лисоний шахс типлари ҳам ранг-баранг ва ички турларга эга бўлади. Масалан, тил эгаларининг касб-кори, профессионал фаолиятига кўра лисоний шахснинг қуйидаги типларини ажратиш мумкин: ўқитувчи лисоний шахси, сотувчи лисоний шахси, қурувчи лисоний шахси, шифокор лисоний шахси кабилар. Масалан, қуйидаги матнда даллол лисоний шахси намоён бўлган:

– *Ҳа янга, улоқчага харидор чиқмаяптими? ... – Мушукдеккина эчки экан. Бўғоз бўлганми? – Эй янга, гап бундай мен холис одамман, кўриб турибман, боядан бери туравериб, саргайиб кетдингиз. Хўп десангиз, молингизни сотиб бераман. Аммо чўтални олдиндан келишиб оламиз:йигирма беш сўм!.. – Қанча сўраяпсиз ўзи?... – Беш юз сўмга говмиш сизир беради-ку! Ҳозир бозор арзон. Қиш келяпти, янга! Ем ташвиши бор...* (Ў.Ҳошимов)

Ушбу матнда даллоллар нутқда учраб турадиган ўзига хос ифодалар қўлланган: *харидор чиқмаяптими, холис одамман, молингизни сотиб бераман, чўтални олдиндан келишиб оламиз, қанча сўраяпсиз ўзи, ҳозир бозор арзон.* Инсоннинг касбий фаолияти, шуғулланадиган машғулоти билан боғлиқ бундай ифодалар нутқнинг ижтимоийлик белгиси билан ажралиб туришини кўрсатади.

Нутқ эгаларининг ижтимоий мавқеига кўра бошлиқ лисоний шахси, котиба лисоний шахси, фирма раҳбари лисоний шахси, колхоз раиси лисоний

шахси кабиларни ажратиш мумкин. Қуйидаги парчани таҳлил қиламиз: *Отақўзи кулги босилишини кутиб турди-да, қовоғини уйиб: – Бугун йигирма биринчи май... – Ғўза эхсак бўладими, бобо деҳқонлар? ... Бўлмаса бундай қиламиз: мен ҳозир... туманга чигитга кетаман. Наимжон, сиз қишлоққа борасиз. Котибага ... Холидаҳонга айтасиз. Ҳар бригадadan ўн кишидан олиб юз киши тўпласин. Тушга қолмай одамларни машинага солиб, беш-олтита трактор билан бу ерга етиб келасиз! Али мўйлов! Сиз Наимжон келгунча одамларга бош-қош бўп турасиз. Ариқ ва зовурларни тозалаб, чигит экишга тайёрланаверасиз. Вазифа ойдинми? Ойдин бўлса – гап тамом. Ишни бошладик!* (О.Ёқубов)

Берилган матнда колхоз раиси (Отақўзи)га хос лисоний шахс типи намоён бўлган. Отақўзи нутқида қўлланган буйруқ гаплар (*Наимжон, сиз қишлоққа борасиз. Котибага ... Холидаҳонга айтасиз. Ҳар бригадadan ўн кишидан олиб юз киши тўпласин, Тушга қолмай одамларни машинага солиб, беш-олтита трактор билан бу ерга етиб келасиз!* кабилар), ўзига хос мурожаат шакли (*Али мўйлов!*), сўроқ гап тури (*Вазифа ойдинми?*) ҳамда қатъийлик, чўрткесарлик каби хислатлар акс этган “*Ойдин бўлса – гап тамом. Ишни бошладик!*” жумлалари ва, ниҳоят, нутқ мазмуни (чигит экиш ҳақида эканлиги) матн эгасининг колхоз раиси эканлигидан далолат беради.

Тил эгаларининг ёши ҳам уларнинг нутқида жиддий таъсир кўрсата олади. Айниқса, кичик ёшдаги болаларнинг нутқи уларга хос махсус лексика, окказионал лексик, синтактик бирликларга бойлиги билан ажралиб туради. Боланинг нутқи бевосита эгасининг ёшига ишора қилиб туради. Бу ҳақда фикр юритар экан, М.Қурбонова қуйидагиларни баён қилган: “Болаларнинг мулоқот жараёнида қандай нутқий акт турини танлаши уларнинг психологик ҳолати, айниқса, ёш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар кўпроқ сўроқни ифода этувчи нутқий акт шаклларида фойдаланадилар. Бу ҳолат уларнинг ташқи оламни билишга ўта қизиқувчанликлари билан боғлиқ. Хусусан, уч ёшли болаларда нутқий мулоқот асосан сўроқ актларидан ташкил топади”²⁰.

Худди шундай, буви, боболаримиз нутқи орқали ҳам нутқ эгаларнинг ёш хусусиятлари ҳақида маълумот олиш мушкул эмас. Масалан:

– *Қўшганинг билан қўша қари, болам, – деди-ю, тик турган одамларга ўгирилди. – Болаларим... – Мана шу хонадондан қут-барака аримасин. Умид билан бир ёстиққа бош қўйган икки ёш ували-жували бўлсин... – Халойиқ... – Шу хонадонда яна бир одам бор: бола, нораства! Шомурод шу болани опичлаб катта қиляпти. Илоё шу йигитчаниям умри узоқ бўлсин. Бахти безавол бўлсин!* (Ў.Ҳошимов)

Матнда қўлланган дуолар, мурожаат шакллари (*болам, болаларим, халойиқ*) нутқ эгасининг ёши улуғлигини кўрсатади. Англашиладики, нутқ жараёнида тил эгаларининг ёш хусусияти билан боғлиқ ҳолда махсус бирликларнинг танланиши тилга шахснинг ёш хусусиятлари таъсир

²⁰ Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б.31.

кўрсатишини далиллайди. Тил эгаси ёш хусусиятининг нутқда реаллашуви асосида болалар нутқига хос лисоний шахс типлари, катталар нутқига хос лисоний шахс типларини ажратиш мумкин.

Болалар нутқига хос лисоний шахс типларини ўз навбатида яна ички турларга ажратиш мумкин: кичик ёшдаги болалар нутқига хос лисоний шахс типи, катта ёшдаги болалар нутқига хос лисоний шахс типи, ўсмирлар нутқига хос лисоний шахс типи кабилар. Худди шундай, катталар нутқига хос лисоний шахс типларини ҳам ички турларга ажратса бўлади: ёшлар нутқига хос лисоний шахс типи, ўрта ёшдагилар нутқига хос лисоний шахс типи, кексалар нутқига хос лисоний шахс типи каби. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз:

– *Хўш, ўлган куним унча ҳаражат бўлмайди. Ўлимлик пулимдан уч кило чой оласан, йигирма бешни гўрковга берасан, кафанлигим бор. Ҳар якшанба, пайшанба кунни маҳалладан етти-саккиз киши кириб қуръон ўқиб, ош еб кетади. Еттимда ош дамлайсан, нон ёптирасан, йигирмамда қўй сўйиб, ош дамлайсан, етти маҳалланинг мачитидан одам келади. Ундан кейин қирқим бўлади. Бунда ҳам катта харж бўлади. Катта, кичик ҳайитим, ифторлигим, йиллигим, қорёғдим, гулисурхим бўлади... Хўш, шуларга бир ниманг борми?... (С.Аҳмад)*

Ушбу матнда кекса одам (чол)нинг фикр-мулоҳазалари акс этган. Матн мазмуни ва уни ифода этиш учун танланган бирликлар нутқ эгасининг кекса инсон эканлигидан далолат беради. Нутқ эгасининг суҳбатдошига нисбатан сенсираб мурожаат қилиши, суҳбатдошининг эса уни сизлаб гапириши суҳбатнинг чол ва кампир ўртасида бўлиб ўтганини англатади.

Тил эгалари нутқи орқали қайси жинс вакили эканини ҳам кўрсатиб туради. Бу жиҳатдан лисоний шахснинг қуйидаги типларини ажратиш мумкин: аёллар нутқига хос лисоний шахс типи, эркаклар нутқига хос лисоний шахс типи.

Ўзбек тилида нутқнинг гендер хосланишида қуйидаги лингвистик ва экстралингвистик воситалар муҳим роль ўйнайди: 1) ноадабий қатламга хос махсус бирликлар; 2) ҳиссий бўёқдор сўзлар, коннотатив ифодалар; 3) эркак ва аёллар нутқига хос алоҳида қўлланишлар; 4) баҳо муносабатини ифодаловчи бирликлар; 5) касбий терминлар; 6) интонация, талаффуз темпи; 7) новербал воситалар (хатти-ҳаракат, мимик ифодалар) ва бошқалар. Бу хусусиятлар нутқнинг эркак ёки аёлга тегишли эканлигига ойдинлик киритишга хизмат қилади. Қуйидаги матнни таҳлил қиламиз:

– *Кеча мани шундай сўкди, шундай сўкди, йигитгина ўлгур! ... – Онамни сўкди-я, бўйгинанг гўрда чиригур... – Кечқурун ўсма эзиб қўювдим. Шу савил қуриб қолмасин, деб қошимга қўя қолувдим. Ҳа, мошкичири жиндак тагига олиб, қотиб кетибди. Шунгайм ота гўри қозихонами? “Пардоз-андоз қилгандан кўра овқатингга қарасанг ўласанми!” дейди-я, гўрсўхта! Ҳа, пардоз қилсам, ўйнашимга қипманми, қирчинингдан қийилгур! Қирмочми, баломи, захрингга еявермайсанми, ергина ютгур! Хаҳ, онамни сўккан тилларинг танглайингга ёпишгур! Тагин нима дейди, денг? Айбни менга тўнкайди: тилинг бир қарич, дейди. (Ў.Ҳошимов)*

Ушбу парчада қўлланган қарғишлар (*йигитгина ўлгур, қирчинингдан қийилгур, ергина ютгур, тилларинг танглайингга ёпишгур, тилларинг жодида қийма-қийма бўлсин-а, оғзи-бурнингдан лахта-лахта қонинг келгур*), баҳо муносабатини ифодаловчи бирликлар (*гўрсўхта, савил*), такрор асосида ҳосил қилинган коннотатив ифодалар (*шундай сўкди, шундай сўкди, қийма-қийма бўлсин-а*), аёллар нутқиға хос қўлланишлар (*ўсма эзиб қўювдим, қошимға қўя қолувдим, пардоз қилсам, вой, нега қарғамас эканман*) нутқнинг гендер хусусиятини намоён қилган. Нутқнинг интонацион хусусиятлари (риторик сўроқ, ундов интонацияси кабилар) ҳамда матнда акс этган ўсма қўйиш, пардоз қилиш, мошкичирини тагига олдириш каби воқеалар ҳам нутқнинг гендер хусусияти ҳақида маълумот беради.

Лисоний шахс типлари шахсларнинг миллатига кўра ҳам белгиланади. Бу белгига кўра лисоний шахснинг қуйидаги типларини ажратиш мумкин: ўзбек миллатига хос лисоний шахс типи, қозоқ миллатига хос лисоний шахс типи, рус миллатига хос лисоний шахс типи ва ҳоказо.

Муайян миллатга хослик, аввало, шахс эгаллаган миллий тил орқали намоён бўлади. Аммо бу қатъий ҳолат эмас. Нутқда воқеланган тил унинг эгаси мансуб бўлган миллатни ҳар доим ҳам аниқ кўрсатавермайди. Баъзи кишилар бир неча тилда ўз она тилидек сўзлаша оладилар. Бундай вазиятда нутқ тил эгасининг миллатини намоёйиш этишга ожизлик қилади. Қуйидаги матннинг ифода тили унинг татар миллатига мансуб шахс томонидан яратилганлигини англатади: – *Исанмисиз? – Китти сволиш! Яна ўйнашига китти паразит. – Разводға бирам! Алиментға дабитса итам! – Ай, ни бўлса бўлар! Судға бирам.* (Ў.Ҳошимов)

Миллатга хос белгилар тил эгасининг нутқида намоён бўлган миллий-маданий қадриятлар, менталитет, миллий онг ва дунёқараш орқали эстралингвистик усулда юзага чиқса, нутқда қўлланган эквивалентсиз лексика, миллий перцепент бирликлар, ўзига хос ўхшатишли қурилма ва иборалар лингвистик усулда бевосита нутқ эгасининг миллатига ишора қила олади. Масалан: – *Суюнчи беринглар, болаларим! ... – Тогангни тўйи юришиб қолди. Насиб этса, майрам кунини – никоҳ! ... – Илоё қўшгани билан қўша қарисин, ўзидан кўпайсин. Сенларгаям яхши жойлардан ато қилсин! Аввал синглингни тўйинини қиламиз-да, ўғлим?... – Таомилда қиз бола олдин узатилади, болам... – Синглингни тўйига сен бош бўласан, сенинг тўйингга Робия бош бўлади. – ... Келин бўлмиш Раънохон икки жаҳоннинг бири! Уч марта совчи бўлиб бордим-у, барибир тишмайдиган савдо деб ўйлагандим... Қуда томон охири кўнди. Тўйга бормасаларинг бўлмайди, болаларим! ...* (Ў.Ҳошимов)

Ушбу парчада ифода этилган миллий урф-одат, анъаналар (суюнчи бериш, никоҳ маросими, оилада акадан аввал қиз боланинг узатилиши одати, акаларнинг синглиси тўйига бош бўлиши, совчиликка бориш удуми) нутқнинг миллий хосланганлигини кўрсатади. Шунингдек, нутқ эгаси томонидан қўлланган бошқа тилларга таржима қилинмайдиган *илоё қўшгани билан қўша қарисин, ўзидан кўпайсин, сенларгаям яхши жойлардан ато қилсин* дуолари; *тишмайдиган савдо, юлдузи-юлдузига тўғри келган экан*

иборалари ҳам нутқнинг миллий хосланганлиги, яъни ўзбек миллатига мансуб лисоний шахс типига оидлигини англатади.

Нутқнинг қайси тилда яратилганлиги асосида лисоний шахснинг қуйидаги типларини фарқлаш мумкин: ўзбек тилида сўзлашувчи лисоний шахс типи, рус тилида сўзлашувчи лисоний шахс типи, инглиз тилида сўзлашувчи лисоний шахс типи каби. Шуниси характерлики, матн тили орқали унинг эгасининг миллатини англаш баъзан қийинчилик туғдиради. Кўпинча муайян тилда сўзланган нутқ унинг эгасининг қайси тил вакили эканлигини кўрсатса-да, миллатини фарқлашга имкон бермаслиги мумкин. Қуйидаги матнни таҳлил қиламиз:

Алимқулнинг оловли нигоҳларидан талай вақтгача гаши келиб юрган Захро ниҳоят бир куни деди: – Чё смотриш? – улар ўзаро русча гаплашарди. Алимқул юрак ютиб жавоб қилди: – Потому что вы очень соблазнительны. – Это я знаю, и к тому же мне это тысячи раз повторяли. Так, что отвали. – Конечно, я прошу прошение, если этим Вас обидел. Но мне кажется Вы далеко не обижены. – И откуда у тебя такая уверенность? – Оттуда, откуда и вы сами... (У.Хамдам)

Ушбу матнда асар қаҳрамонлари – Алимқул ва Захронинг ўзаро суҳбати акс этган. Рус тилида амалга оширилган диалогик нутқ тил эгаларининг рус миллатига мансублигини англатмайди. Персонажлар исми ҳамда асар муаллифининг “улар ўзаро русча гаплашарди” изоҳи матнда ўзбек миллатига мансуб йигит ва қизнинг суҳбати берилганлигини кўрсатади. Англашиладики, нутқнинг қандай тилда ифода этилиши ҳар доим ҳам унинг эгаси мансуб бўлган миллатни кўрсатавермайди. Шу боис бундай вазиятларда бадий асарларда асар муаллифи томонидан нутқ эгасининг исми, миллати алоҳида қайд этиб кетилади.

Индивидуал лисоний шахс типи якка шахс нутқи асосида белгиланади. Якка шахснинг оғзаки мулоқот жараёнида яратган нутқи алоҳида лисоний шахс типини ҳосил қилса, ёзма характердаги нутқи (тушунтириш хати, аризаси, илтимосномаси, даъво хати кабилар) асосида индивидуал лисоний шахс типини фарқлаш мумкин бўлади. Рус тилшунослари И.В. Ружицкий, Э.А. Ружицкая, С.Н.Шепелевалар Ф.М.Достоевскийнинг “Бесы” романи қаҳрамони Федька нутқига хос индивидуалликни аниқлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишган: 1) персонаж сўз бойлиги, нутқда сўзшаклларининг частотасига кўра тақсимланиши, яъни бирдан ортик қўлланиши; 2) нутқда қўлланган лексик бирликларнинг услубий жиҳатдан маркирланганлиги; 3) турли барқарор бирикмалар: мақоллар, маталлар, прецедент матнга ҳаволалар ва бошқаларнинг мавжудлиги; 4) синтактик ўзига хослик; 5) бошқа қўлланишлар, масалан, символик маънодаги сўзлар²¹.

Албатта, бу белгилар нутқнинг индивидуаллигини кўрсатишга хизмат қилади. Шунингдек, нутқда сўзловчининг воқеликка муносабати, рухий кечинмалари тасвири ҳам нутқни индивидуаллаштиришга олиб келади.

²¹ Ружицкий И.В., Ружицкая Э.А., Шепелева С.Н. Языковая личность Федьки-Каторжника: индивидуальное и коллективное // Вопросы психолингвистики. [file:///C:/Users/1/Downloads/yaz-kovaya-lichnost-fedki-katorjnika-individualnoe-i-kollektivnoe%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/1/Downloads/yaz-kovaya-lichnost-fedki-katorjnika-individualnoe-i-kollektivnoe%20(1).pdf)

Жамоа нутки, асосан, ёзма шаклда яратилиб, муайян жамоанинг қарашлари, хулосалари, таклиф-мулоҳазалари, тавсиялари, эътироз ва талабларини акс эттиради. Жумладан, муайян жамоа номидан ёзилган расмий хатлар, баённома, таклифнома кабилар жамоа нутқини акс эттиради. Бундай нутқ тури асосида жамоани акс эттирувчи лисоний шахс типини ажратиш мумкин бўлади.

Хуллас, кишиларнинг шахс хусусиятлари уларнинг нутқида турли даражада намоён бўлади. Бу ҳолат тил эгаларини нутқи асосида лисоний шахс типларига ажратиб ўрганишни тақозо этади.

Лисоний шахс типларини белгилашда нутқ эгаларининг шахс хусусиятларини акс эттиришга хизмат қилувчи махсус тил бирликлари – индикаторлар муҳим ўрин тутаяди. Бундай тил бирликлари нуқ эгасининг индивидуал тарзда дунёни лисоний тасвирлашида алоҳида аҳамиятга эга.

Лисоний шахс типини шакллантиришга хизмат қилувчи махсус бирликлар нутқнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳам намоён қилади. Айниқса, тил эгалари нутқида қўлланган миллий-маданий бирликлар (иборалар, ўхшатишли қурилмалар, мақол, маталлар, эквивалентсиз лексик бирликлар) нутқнинг миллий хосланганлигини кўрсатиб туради.

Бадий асарда лисоний шахс типи нутқида намоён бўлувчи миллий-маданий белги экстралингвистик омиллар орқали ҳам юзага чиқади. Бу ҳақда фикр юритар экан, Н.Нормуродова бадий дискурда лисоний шахс миллий-маданий хусусиятларининг экстралингвистик омиллар (маданият, урф-одат, анъаналар, ҳаёт тарзи кабилар) ҳамда лингвистик омиллар (эквивалентсиз лексика, ибора ва паремиялар, антропонимлар, образли ифодалашнинг стилистик воситалари, ранг ифодаловчилар, миллий-маданий стереотип вазиятларда миллий характер, менталитетнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи тавсифий матнлар, хориж бирликларининг ишлатилиши) орқали юзага чиқишини қайд этади²².

Албатта, ҳар бир тил эгаси ўз шахсий сифатларидан келиб чиққан ҳолда нутқида махсус бирликларни танлаб ишлатади. Масалан, шифокорлар нутқида тиббиёт терминларининг тез-тез қўлланиши табиий. Ёки болалар нутқида уларга хос окказионал қўлланишларнинг учраши кўп кузатилади. Аёллар ва эркалар нутқида ҳам ўзига хос махсус бирликлар кўзга ташланади. Нутққа бундай бирликларнинг танлаб киритилиши баъзан нутқ вазияти, коммуникатив мақсад билан боғлиқ бўлса, баъзан шахсга хос сифатлар (касби, машғулоти, жинси, ёши, ижтимоий мақоми, руҳияти, миллий-маданий қарашлари кабилар)нинг беихтиёр тилга кўчиши билан алоқадордир. Ҳар икки ҳолатда ҳам бундай бирликлар нутқ эгасига лисоний шахс сифатида тавсиф беришга ёрдам беради.

Коммуникация жараёнида шахс сифатларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи бирликлар ичида нутқ эгаларининг касбий фаолияти доирасида қўлланувчи бирликлар муҳим ўрин тутаяди. Кишилар касбий фаолиятга кўп

²² Нормуродова Н. Выражение языковой личности в художественном диалоге (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 2012. – С.8.

вақт сарфлашгани боис уларнинг нутқида касб-корга оид бирликлар фаол қўлланилади. Шу нуқтаи назардан ўқитувчининг нутқи шифокор ёки деҳқоннинг нутқидан сезиларли фарқ қилади. М.С.Силантьеванинг фикрича, профессионал дискурсни яратар экан, лисоний шахс, бир томондан, унда ўз индивидуал жиҳатларини акс эттиради. Бошқа томондан, профессионал фаолият муайян мулоқот шартлари ва талабларни тақозо этувчи аниқ коммуникатив вазиятдаги ҳаракат бўлиб, лисоний шахсдан коммуникатив стратегия ва муваффақиятли мулоқотни таъминлашга хизмат қилувчи қатъий тил воситаларини қўллашни талаб қиладики, бу вақтда лисоний шахсга хос индивидуаллик профессионаллик заруратига ўрин бўшатиб беради²³.

Дарҳақиқат, касбий фаолият доирасида яратилган ҳар қандай дискурс оила даврасида ёки бошқа бир нутқ шароитида яратилган дискурсдан фарқ қилади. Касбий фаолият дискурсга ўз талабларини қўяди, унда профессионал этика ва адабий тил меъёрларига қатъий риоя қилинади. Нутқ эгаси жамият томонидан белгиланган нутқ одобига амал қилади, шунингдек, дискурсни яратишда тингловчиларнинг миллий-маданий қарашларидан келиб чиққан ҳолда иш қўради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бадиий асарда лисоний шахс типларининг яратилиши”** деб номланган. Ушбу бобда бадиий асарда лисоний шахс типларини ажратиш масаласи ёритилган ҳамда ёзувчи лисоний шахси, персонаж лисоний шахс типлари фарқланиб, уларга тавсиф берилган. Шунингдек, Ў.Ҳошимовнинг **“Икки эшик ораси”** романида яратилган лисоний шахс типларига тавсиф берилган.

Бадиий асар шахс лисоний қобилиятининг маҳсули сифатида унинг олам ҳақидаги тасаввурлари ва қарашлари, руҳияти, атроф-муҳитга бўлган муносабатини акс эттирувчи восита ҳисобланади. Ижодкор бадиий асарда **“жонли нутқ”** ярата олса, унга шахсига хос сифатларни кўчира олса, тил бирликларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш қобилиятини намоён этса, у лисоний шахс даражасига кўтарилади. Шу билан бирга, бадиий асар ҳам ижодкорнинг лисоний шахс мақомига эга бўлиши учун муайян талаб ва шартларни қўяди. Бундай талаблар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ижодкор яратган матнда акс этган нутқнинг **“жонли”** нутқ даражасини эгаллаши, яратилган матннинг китобхон томонидан аниқ ва тўғри идрок этилиши, матннинг ёлғон тасаввурлар ҳосил қилмаслиги, матн китобхонни тасвирланаётган воқеа-ҳодисага ишонтира олиши кабилар.

